“ҚУЛОҚ”ҚА ТОРТИШ ВА ҚАТАҒОН ҚИЛИШ ФОЖИАЛАРИГА ДОИР
(Сурхондарё вилояти Шеробод райони мисолида)

Р.Шамсутдинов, Э.Холмирзаев

Ушбу илмий ахборотда биргина Шеробод районида коллективлаштириш жараёнида қулоққа тортилганлардан 21 шахснинг сиёсий жиҳатдан қатағон қилингани ҳақида янги маълумотлар келтирилган ва улар қисқача таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *иқтисодий қолоқ миллий районлар, ёппасига коллективлаштириш, қишлоқ совети, кооператив,”қулоқ”лар тўдаси.*

В данном научном сообщении на примере Шерабадского района Сурхандарьинской области освещена судьба 21 соотечественника, репрессированного в процессе коллективизации и раскулачивания.

Ключевые слова: *экономически отсталый национальный район, сплошная коллективизация, кишлачный совет, кооператив, кулацкая шайка.*

On the examples of Sherabad district of Surhandaryo region the article studies the fate of 21 people repressed and exiled during the process of collectivization.

Key word: *economically poor districts, whole collectivization, coorporation, village soviet, crowd of exiled, crowds of basmachs*

ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий Буюросининг 1930 йил 20 февралда мутлақо махфийлик тамғаси билан қабул қилинган **“Иқтисодий қолоқ миллий районларда коллективлаштириш ва қулоқларга қарши кураш тўғрисида”**ги қарорида бутун совет мамлакати каби Ўзбекистонда ҳам коллективлаштириш ва унинг асосида қулоқларга қарши кураш сиёсий кампанияси бошланган [3.62-67]. Ўзбекистондаги 18 та район ёппасига коллективлаштириш райони деб эълон қилинган [1]. Сурхондарё округидан Сариосиё, Денов, Паттакесар (Термиз) районларида ёппасига коллективлаштириш ва унинг асосида қулоқларни тугатиш жараёни юз берган. Бироқ ёппасига коллективлаштириш кўзда тутилмаган Сурхондарё округининг Шеробод районида ҳам коллективлаштириш ўтказилгани маълум бўлди. Мазкур мақолада айни Шеробод районидаги коллективлаштириш жараёнида қулоққа тортиш ва уларни қатағон қилиш ҳақида айрим маълумотлар келтирилади.

1931 йил 24 октябрда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги тергов бўлими масъул ходимлари Васильченко ва Лукяничевлар томонидан Сурхондарё округи Шеробод районидан 21 деҳқон устидан айблов хулоса тайёрланиб, шу доимий вакиллик ҳузуридаги учликка тақдим қилинган [2.67-81]. Учлик бу 21 киши устидан ҳукм чиқарган. Ҳукмга тортилганлар қуйидагилар эди:

1. Зулфиқор Бойқулов – 42 ёшда, ўзбек, ўтмишда қулоқ, имом, оиласиз, Жарқўрғон райони Юқори Қўқайи қишлоқ совети Қайчали қишлоғидан. Терговда унга нисбатан қуйидаги айблар қўйилган: 1930 йилда советларга қарши фаолияти учун олий жазога ҳукм этилган, қамоқдан қочиб, яшириниб юрган. Ўтмишда босмачиларга кўмак бериб турган. 1931 йил баҳоридан турли тоғ қишлоқларида яшириниб юрган, Ҳусайинбек бошчилигидаги босмачилар тўдасида бўлиб, қўрбошилик қилган. Ҳазратбобо деган жойда Иброҳимбек ўтказган «босмачилар» тўдалари кенгашидан кейин Жарқўрғон районидаги Мулла Холдор тўдаси Зулфиқор қўмондонлигига ўтади. Зулфиқор 30 кишидан иборат тўдаси билан Хўжайқия қишлоғига ҳужум қилиб, кооперативни талаган, қишлоқ советини тугатган, барча қоғозларни ёндириб юборган. 5 та от, 3 та ов милтиғи, магазин мудиридан 100 сўм пул тортиб олган. Хўжақия қишлоғидаги колхозчилардан 2 та от тортиб олинган, Қизилолма қишлоғидаги қатор деҳқонларни талаган, қишлоқ советини вайрон этиб, иш қоғозларини йўқ қилган. Кампиртепа қишлоғидаги мактаб йўқ қилинган. Пошхўрда қишлоғидаги колхозчилардан 2 та от, Хотаг қишлоғида колхоз раисидан 1 от, уст-бош, 15 сўм пул тортиб олинган. 1931 йил 1 августда қўлга олиниб, Термиздаги маҳбуслар уйи қамоғига ташланган. Учлик томонидан отувга ҳукм этилган.

2. Алимардон Қаюмов – 40 ёшда, ўзбек, қулоқ, Шеробод райони Гамоур қишлоқ совети Хитой қишлоғидан, 1930 йилда қулоққа тортилган, хўжалигида ҳеч нарса йўқ. Аввал яширин савдо билан шуғулланган, уйланган, партиясиз. У 1924-1925 йилларда Маҳмудбек бошчилигида «босма-

чилар» тўдасида иштирок этган. Колхоз раиси ўлдирилгандан кейин, Ҳусайинбек тўдасига қочиб борган, у билан аввал ҳам алоқаси бўлган. Ҳусайинбекдан Жўрадаханга ўтиб, унда мустақил қўрбоши сифатида вазифаларни бажарган. 7 кишидан иборат тўда билан Шеробод районидаги Сиплом, Токиям, Чопар ва бошқа қишлоқларда аҳолини талаб, отларини олиб қўйган. Шеробод милицияси отрядига қарши жанг олиб борган, Муллаҳайдар тўдасида ёрдамчи бўлиб, 50 та йигитга бош бўлган, тўдаси билан кооперативни талашда, мактабни ёндириб юборишда, район ижроқўми раиси Салмонов ва Ўзбектаъминотсавдо вакили, собиқ чекист Чолкиннинг ўлдирилишида, Чокан ва Сайхондаги жангларда иштирок этган, Ҳазратбободаги қўрбошилар кенгашида Иброҳимбек иштирокида бек унвонини олган, Шеробод районида мавжуд "қулоқ"лар тўдаси ва қочоқ "қулоқ"лар тўдасига командирлик қилган, қишлоқларда босқинчилик билан шуғулланганликда айбланган. Сурхондарё округида қизилтаёқчилар отряди томонидан ушлаб олинган, учлик томонидан отувга ҳукм қилинган.

3. Муҳаммадий Чориев – 32 ёшда, ўзбек, Шеробод райони Хўжақия қишлоғидан, қулоқ, қулоққа тортилган, саводсиз, партиясиз, судланмаган, ўтмишда "босмачи". Унга 4,5 гектар ерга пахта экишдан иборат қатъий мажбуриятни олгани ҳолда тоққа қочиб, у ердаги қочоқ қулоқлардан иборат 8 кишилик тўда ташкил этиб, ўзи қўрбоши бўлиб Шеробод райони қатор қишлоқларига ҳужумлар қилиб турган, хусусан, Кампиртепа қишлоғидаги мактабни вайрон қилган, Хўжақия қишлоғида комсомол аъзосини калтаклаган, қишлоқдан колхозчиларнинг отларини олиб, қишлоқ советини тор-мор келтирган, Зулфиқор келгач, ўз тўдаси билан унинг ихтиёрида бўлиб, барча операцияларда иштирок этган, деган айб қўйилган. Ўз айбига иқрор бўлмаган. У отувга ҳукм этилган.

4. Бекназар Абулов – 32 ёшда, ўзбек, қулоқ, Шеробод райони Қизилолма қишлоғидан. Унга пахта бўйича қатъий мажбуриятни бажаришни хоҳламай қишлоқдан қочиб кетган, қочиб борган 8 нафар қулоқ билан бирга "совет уясини йўқ қилмоқ керак" деган сўзлар билан ислом динини тарғиб қилган, тўдадагилар билан бирга умумий ибодат қилган, ўзи имомликка ўтиб турган, деган айб қўйилган. У айбига иқрор бўлмаган, отувга ҳукм этилган.

5. Қўлдош Валиев – 33 ёшда, ўзбек, қулоқ, Шеробод райони Хўжақия қишлоғидан, колхозга суқилиб кириб олган, ҳозирда колхоздан чиқарилган, қулоққа тортилган. Ҳақсиз. Хўжалигида 1 бош мол бўлган, оилали, саводсиз, партиясиз, судланмаган. Ўтмишда Эргашбек тўдасида босмачилик билан машғул бўлган. Гувоҳлар кўрсатмаси билан фош этилган. Ўзини айбдор деб ҳисобламаган, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

6. Дўсат Тошпўлатов – 37 ёшда, ўзбек, Шеробод райони Қизилолма қишлоғидан, қулоқ, савдогар, 1931 йили қулоққа тортилган. Ҳозирда ҳеч қандай хўжалиги йўқ, аввалида имомлик қилган, оилали, саводсиз, партиясиз, сўзига қараганда, судланмаган. Унга босмачилар тўдасида қатнашган, барча босқинларда иштирок этган, босмачилар сафига янги йигитларни жалб этган, бунинг учун Зулфиқор қўрбошидан мукофот сифатида ов милтиғи билан тақдирланган, деган айб қўйилган. Гувоҳларнинг кўрсатмалари билан у фош қилинган, айбига иқрор бўлмаган. Отувга ҳукм этилган.

7. Ўсай Оролов – 40 ёшда, ўзбек, қулоқ, даллол, Шеробод райони Хўжақия қишлоғидан, 1930 йили қулоққа тортилган, ҳозирда хўжалигида ҳеч вақо йўқ, оилали, саводсиз, партиясиз. У пахта мажбуриятини бажармагани учун 1930 йилда 1,5 йил қамоққа ҳукм этилган, Зулфиқор қўрбоши тўдасида қатнашиб барча операциялардаги босқинчилик ва қотилликларда иштирок этганлик, Зулфиқор қўрбошида қўриқчи ва отбоқарлик билан машғул бўлганликда айбланган. Гувоҳлар кўрсатмаси билан фош этилган. Ўзини айбдор деб тан олмаган. Учлик ҳукми билан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

8. Жўра Азимов – 20 ёшда, Қорабоғ қишлоғидан, ўзбек, ўртаҳол, уйланган, саводсиз, партиясиз, айтишига қараганда, судланмаган. Унга нисбатан терговда Муҳаммадий Чориев қочоқ қулоқлардан ташкиллаган тўдада фаол иштирок этиб, тўда уюштирган барча операцияларда қатнашган, янги қўрбоши Зулфиқор Бойқулов тўдасига ўз тўдаси билан қўшилган ва деҳқонларни, кооперативларни талон-тарож, босқин қилиш операцияларида иштирок этган, қишлоқ фаолларини террор қилишда қатнашган, деган айб қўйилган. Айблов ишининг 38, 44, 46, 48, 51, 55, 66, 69, 87-бетларида келтирилган маълумотлар билан фош этилган. У ўзини айбдор деб билмаган. Учлик уни 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этган.

9. Мунаввархўжа Тўрахўжаев – 45 ёшда, Шавқон қишлоғидан, тожик, қулоқнинг акаси, ўзи камбағал, 1 оти бор. Уйланган, саводсиз, партиясиз, айтишича, судланмаган. У 1924-1925 йилларда босмачиликда қатнашган, қулоқлар тўдасига ихтиёрий қўшилиб, Олма қишлоқ советини тормор қилган, Кампиртепа қишлоғидаги мактабни йўқ қилган, Хўжақия қишлоғидаги деҳқонлар ва колхозчиларни талаган, Зулфиқор қўрбошининг

келиши билан унинг тўдасига қўшилиб босқинчиликлар қилишда иштирок этган, ихтиёрий таслим бўлмаган (қизилкалтакчилар томонидан ушлаб олинган)ликда айбланган. Айбдорлигини тан олмаган. 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

10. Абдусамат Муродов – 67 ёшда, Кампиртепа қишлоғидан, ўзбек, амир мулозими, мирзаболи, ҳақсиз, қулоқ, 1 мол, 1 от, 1 эшак, 17 бош майда ҳайвон, ярим таноб боғ эгаси, батракларни эксплуатация қилган, уйланган, партиясиз, айтишича, судланмаган, иши терговда. Тергов чоғида қишлоқдан қочиб кетиб, Муҳаммадий Чориев тўдасига, кейинча Зулфиқор Бойқулов томонига ўтиб, барча босқинчилик операцияларида қатнашганликда айбдорлиги ҳақида маълумотлар жиноий ишнинг 23, 38, 46, 52, 56, 61, 70, 72, 78, 106-бетларида акс эттирилган. Учлик томонидан отувга ҳукм қилинган.

11. Хўжаназар (Ҳожиназар) Алламуродов – 36 ёшда, ўзбек, Хўжақия қишлоғидан, қулоқ, қулоққа тортилган, уйланган, саводсиз, партиясиз. Унга 1930 йилда қизил калтакчилар томонидан ушлангани, Термиз маҳбуслар уйидан қочиб, Зулфиқор Бойқулов тўдасига ихтиёрий қўшилгани, босмачилар тўдаси томонидан уюштирилган барча операцияларда иштирок этгани айб қилиб қўйилган. Қисман айбига иқрор бўлган, жиноий иш маълумотлари билан (83-84 варақлар) фош этилган. 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

12. Нормамат Дармонов – 20 ёшда, ўзбек, Қорабоғ қишлоғидан, ўртаҳол деҳқон, хўжалигида 6 таноб боғи, 2 та моли бўлган, уйланмаган, чаласавод, айтишича, судланмаган. Унга ихтиёрий равишда Зулфиқор тўдасига қўшилиб, унда соқчилик қилганлик, сара яхши отлар олиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериб турганлик, тўдага йўл кўрсатиб турганлик, фаол босмачи бўлиб операцияларда иштирок этганлик айби қўйилган. Ишнинг 80-90 варақларида у ўз айбига иқрор бўлмагани акс эттирилган. У 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

13. Телей Хидиров – 24 ёшда, Хўжақия қишлоғидан, 1930 йилгача колхозчи, кейин қулоқ сифатида колхоздан чиқарилган, чаласавод, сўзига қараганда, судланмаган. Унга Мулла Зулфиқор тўдасига ихтиёрий кирган, бунга қадар Алимардон Каримов қўрбошининг қўриқчиси бўлган, кооперативларни талашда, қишлоқ советларини йўқ қилишда ва Хўжақия қишлоғи деҳқонларини талашда иштирок этган, деган айб қўйилган. Ишнинг 23, 44, 55, 61, 62, 69, 72, 78, 106, 116 варақлардаги маълумотлар билан фош этилган. Учлик уни 3 йил муддат билан Ғарбий Сибирга сургун қилишга ҳукм этган.

14. Жўра Ҳайитов – 48 ёшда, Ғуржак қишлоғидан, ўзбек, қулоқ, 1931 йили қулоқ қилинган, ўтмишда амирликда оқсоқол ва қози бўлган, оилали, саводсиз, партиясиз, айтишича, судланмаган. Унга ўтмишда босмачиларга ёрдам бериб турган (96-97 варақлар), пахта бўйича қатъий топшириқни бажаришни хоҳламай, бошқа қулоқлар билан биргаликда босмачилар тўдасини ташкил қилган, таркибида Зулфиқор қўрбоши бўлган бу тўда кооперативларни, қишлоқ советларини, Хўжайли қишлоғидаги деҳқонларни босқин қилишда фаол қатнашган, деган айб қўйилган. Унинг Зулфиқор қўрбоши ва бошқа тўдалар билан бирга фаолият кўрсатгани ишнинг 38, 44, 46, 52, 56, 61, 70, 72 варақларидаги маълумотлар билан фош этилган. Ўзининг айбдорлигини қисман бўйнига олган. Унга 10 йил қамоқ жазоси берилган.

15. Мирза Андаев – 29 ёшда, тожик, Зорабоғ қишлоғидан, қулоқ, яширинган савдогар, ҳозирда хўжалигида бирор нарса йўқ, пахта мажбуриятини бажармагани учун хўжалиги мусодара қилинган. Унга Термиз маҳбуслар уйидан қочиб, қулоқларнинг жиноий босмачилик тўдасига, кейин эса Зулфиқор тўдасига қўшилиб, босмачи тўдаларнинг барча операцияларида иштирок этган, деган айб қўйилган. Ишнинг 44, 46, 52, 56, 62, 70 варақларидаги маълумотлар билан айбланган. Ўзини қисман айбдор деб билган (98 варақ). У 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

16. Қулмамат Ўразмаматов – 18 ёшда, ўзбек, Қизилолма қишлоғидан, оқсоқолнинг ўғли, қулоқлар тоифасига мансуб, отаси қулоқ билан бирга яшайди, уйланмаган, саводсиз, партиясиз, айтишича, судланмаган. Унга аввал қулоқлар тўдасига, кейин мулла Зулфиқор тўдасига ихтиёрий қўшилган, Зулфиқорнинг қўриқчиси бўлган кейинчалик Турдимуродга ёрдамчи бўлиб, унга ҳам қўриқчилик қилган, Зулфиқор тўдасида кооперативлар, деҳқонлар, қишлоқ советларини талашда иштирок этган, деган айб қўйилган. Ишнинг 38, 44, 46, 48, 52, 56, 61, 70, 72, 78, 87 варақларида фош этилган. Айбига иқрор бўлган, 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

17. Раджаб Раимов – 68 ёшда, ўзбек, Қизилолма қишлоғидан, қулоқ, хўжалигида ёғ-мой жувозхонасига эга, ҳозирда қулоққа тортилган, саводсиз, партиясиз, айтишича, судланмаган. У пахта экиш бўйича давлат топшириғини бажаришни хоҳламай тоққа қочиб кетиб, у ерда Мулла Зулфиқор тўдасига қўшилиб, унинг таркибида барча операцияларда иштирок этганликда айбланган. Ўз айбига иқрор бўлмаган (102 варақ). Учлик уни 3 йил муддат билан Ғарбий Сибирга сургунга ҳукм этган.

18. Алланазар Эшқобилов – 22 ёшда, Шолкан қишлоғидан, ўзбек, ўртаҳол хўжалигида 1 от, 1 эшак бўлган, уйланган, саводсиз, партиясиз, айтишича, судланмаган. У Мулла Зулфиқорнинг босмачилар тўдасига ихтиёрий қўшилиб, барча операцияларда иштирок этганликда айбланган (44, 46, 52, 56, 61, 70, 72, 108 варақлар). Ўзининг айбдорлигини қисман бўйнига олган (105 варақ). Уч йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

19. Рустам Қосимов – 47 ёшда, тожик, Шолкан қишлоғидан, руҳоний имомнинг ўғли, ўзи ҳам имом, 1931 йил қулоққа тортилган, оилали, саводсиз, партиясиз, меҳнат тузатув лагерида жазо ўтаган. У Мулла Зулфиқор босмачилар тўдасига ихтиёрий қўшилиб, 10 кун давомида қишлоқларга ҳужум қилиш, талашда иштирок этган, хусусан, қишлоқ советларини йўқ қилишда, Хўжақия қишлоғидаги кооперативни талашда иштирок этганликда айбланган. Ўз айбига иқрор бўлмаган (109 варақ). 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

20. Жўли Ҳожи Тўлаев – 60 ёшда, Заргар қишлоғидан, тожик, ўртаҳол, 1 мол ва 1 эшакка эга. Ўғли қулоқ деб топилган, оилали, саводсиз, партиясиз, айтишича, судланмаган, муқаддас ҳаж сафарида бўлган (111-112 варақлар). У қочоқ қулоқлардан ташкил бўлган босмачи тўдаларга ихтиёрий қўшилган, кейин Зулфиқор қўрбоши билан барча операцияларда иштирок этганликда айбланган (38, 44, 46, 61 варақлар), ўзининг айбдорлигини тан олмаган (111 варақ). 3 йил шартли қамоқ жазосига ҳукм этилган.

21. Эгамберди Жўлихўжаев – 45 ёшда, Шолкан қишлоғидан, тожик, қулоқ, аввал тегирмонга эга бўлган, 1931 йилда қулоққа тортилган, оилали, саводсиз, партиясиз, айтишича, судланмаган. Унга ҳам мулла Зулфиқор бошчилигидаги босмачилик ҳаракатида иштирок этганлик айби қўйилган. Аммо у айбига иқрор бўлмаган, 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Биз фақат бир куннинг ўзида Шеробод районидан ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги учлик ва оператив ходимлар томонидан қатағон қилинган 21 нафар юртдошлар ҳақида маълумот бердик. Бу жараён 1932-1934 йилларда ҳам давом этган. Айниқса, 1932 йил кўкламида бутун Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон бўйича қулоқларни Ўрта Осиёнинг ички районларига сургун қилиш амалиёти олиб борилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1932 йил 25 майида қабул қилинган **“Шеробод районидан қулоқларни сургун қилиш бўйича иш тўғрисида”**ги расмий ҳужжатда Шеробод районидан 128 хўжалик қулоққа тортилиб, сургун қилишга қарор қилингани, аммо амалда 82 хўжалик сургун қилингани, 54 хўжалик қулоққа тортилгани, 49 от, 8 буқа, 71 мол, 71 туя, 83 эшак, 3203 қўй ва эчки конфискация қилингани, пул ҳисобида бу 1.000.000 рублни ташкил этгани қайд этилган.

Қишлоқ аҳолисининг бундай сиёсатга қаршилиги бир неча шаклда намоён бўлган. **Биринчиси,** қулоқлар, камбағал, ўртаҳол хўжаликлар ўзлари азалдан яшаб турган гўшалардан қочиб кетишган. Масалан, сургун қилиш операцияси даврида сургун қилинадиган 7-8 хўжалик, ҳақсизлардан 7 камбағал-ўртаҳол хўжалик қочиб кетган.

Қаршилик кўрсатишнинг **иккинчи** шакли иғвогарлик, хоинона ҳаракатлар, фитначилик, бузғунчилик шаклларида бўлган.

Учинчи шакли шўро сиёсатига қарши тарғибот-ташвиқот бўлган. Бу тарғибот “қулоқларни эмас, мусулмонларни сургун қилишмоқда, бунга сабаб Афғонистон билан уруш олиб бориш кўзда тутилмоқда”, “мулкни, ҳатто шахсий буюмларни ҳам йўқотиш керак, акс ҳолда қулоқлар қаторига тушиб қоласан”, “иккинчи беш йиллик режасига кўра барча мусулмонларни Россияга жўнатиш кўзланмоқда”, “барча чиройли хотин-қизлар жўнатилмасдан Термиз ва ГПУда қизил аскарлар учун қолдирилмоқда”, деган миш-мишлар кенг тарқалганлиги билан характерланади [4.151-152]. Ана шундай миш-мишлар қишлоқ аҳолисини жунбишга келтирган, колхозлаштириш, қулоқлаштириш, сургун қилишдан иборат сиёсий кампанияларга қарши деҳқонлар оммасининг кучли ғалаёнлари, ҳатто қўзғолонларини келтириб чиқарган. Аммо улар советларнинг куч ишлатиш органлари томонидан шафқатсизларча бостирилган.

Адабиётлар:

1. РГАСПИ (Российский государственный архив социально-политической истории – Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви) 62-фонд, 2-рўйхат, 2046-иш, 51-варақ.

2. Среднееазиатский кишлак в годы большого террора. Составители: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э.Ю., Хошимов С., Дусматов Э.П. Андижанский государственный университет имени Бабура, Международный благотворительный фонд научно-практической экспедиции «Мерос».- Андижан, 2007.

3. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929-1955 гг.: Документы и материалы. Т. I. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой.- Т.: Шарк, 2006.

4. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929-1955 гг.: Документы и материалы. Т. II. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой.- Т.: Шарк, 2006.

Андижон давлат университети
2015 йил 10 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: доцент Э.Юсупов)